



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Ер ресурслари ва кадастр” факультети
Кафедра: “Давлат кадастрлари”**

Фан: “Гидротехника иншоотлари давлат кадастри”

МАЪРУЗА

**3-Мавзу: Гидротехника иншоотлари давлат
кадастрининг мақсади ва вазифалари**

ТОШКЕНТ--2023 й.

Мавзу: Гидротехника иншоотлари давлат кадастрини ҳуқуқий таъминоти

РЕЖА

1. КИРИШ

2. Гидротехника иншоотларининг кадастрини юретишнинг ҳуқуқий таъминоти

2.1. Гидротехника иншоотлари давлат кадастрини юретиш тартиби бўйича умумий қоидалар

2.2. Гидротехника иншоотлари давлат кадастрининг умумий мазмуни


2.3 Гидротехника иншоотлари давлат кадастрини юретиш тартиби

3. Глоссарий

4. Фойдаланилган адабиётлар ва манбаалар рўйхати.

Гидротехника объектлари давлат кадастрини юритишнинг хуқуқий таъминоти” мавзуси бўйича маъруза дарсини ўтишнинг технологик ҳаритаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич Ўқув машғулотиغا кириш 10 дақиқа	Умумий мавзунини эълон қилади. Янги мавзунини ўрганиш учун аввал ўтилаган мавзулар бўйича саволлар беради.	Саволларга жавоб берадилар.
2 -босқич Асосий қисм 60 дақиқа	2.1. Тарқатма материаллар тарқатади 2.2. Такдимотда такдим қилинган режа асосида мавзунини тушунтиради ва талабалар аниқлик кирита олмаган саволларни аниқлаш учун улар томонидан саволлар бериши учун имконият яратилади 2.3. Мавзунини тушунтириш давомида талабаларга муаммоли вазиятни келтириб чиқарувчи саволлар берилади.	Тарқатма материал билан танишиб чиқадилар. Янги мавзунини билан танишадилар. Ҳамда янги мавзу бўйича мавзунинг ўзлари тушунмаган қисмларидан саволлар берадилар. Муаммоли вазиятни келтириб чиқарган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиладилар
3 -босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Тарқатма материалларда келтирилган янги мавзунини қандай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш учун кластерни тўлдириш, тест саволларига жавоб бериш ва жадвалларни тўлдириб беришлари талабалардан сўралади.	Тарқатма материалга ўз маълумотларини киритадилар ва унда келтирилган саволларга жавоб берадилар



ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР АГЕНТЛИГИ

Давлат
кадастрлари
палатаси

I, II, III- класс
иншоотлар билан
«Давсувхўжаликназо
рат» инспекцияси

Мукаммалиги III
классдан паст
иншоотлар
«Ўзбекэнерго» ДАК

Умумий назоратчи



ГИС
сервер

Давлат кадастрлари ягона
тизими республика
ахборот таҳлил маркази
бўлими

Лаборатория



21 та ДК бўйича мутахассислар
Таҳлили жараёни

«Давсувхўжаликназор
ат» инспекцияси
Худудий бўлимлари

«Ўзбекэнерго» ДАК
Худудий бўлимлари

Гидротехника иншоотларининг давлат кадастрини юритишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Гидротехника иншоотларининг кадастри "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг [Қонунига](#) мувофиқ иншоотларнинг техник ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларнинг беҳатар ишлашини таъминлаш мақсадида юритилади.

Гидротехника иншоотлари кадастри иншоотнинг табиий шарт-шароитлари, жойлашган ўрни, техник, сифат ва миқдор тавсифномалари, хизмат қилиш муддати, эгаси тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни ташкил этувчи маълумотлар тизими ва ҳужжатлардан иборат бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Гидротехника
иншоотларининг кадастрини юритиш учун асос
бўлувчи ҳуқуқий норматив ҳужжатлар**

**Гидротехника
иншоотларининг
кадастрини
юритиш
ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**«Гидротехника
иншоотларининг
хавфсизлиги
тўғрисида»ги
Ўзбекистон
Республикасининг
Қонуни**

Давлат мулки бўлган гидротехника иншоотлари, шунингдек корхоналарнинг республика ва минтақалар сув хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи гидротехника иншоотлари Гидротехника иншоотлари давлат Кадастри объекти ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари кадастри иншоотларнинг техник ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, сифат ва миқдор тавсифномаларини ва фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Маълумотларни ишлаб чиқиш, туркумлаш, сақлаш, янгилаш ва объект ҳақида ахборот тақдим этиш технологиясини такомиллаштириш гидротехника иншоотлари кадастрининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларнинг пайдо бўлиш хавфини туғдирувчи гидротехника иншоотларини қамраб олиш, юритиш услубларининг ягоналиги, кадастр ахборотларининг ҳаққонийлиги гидротехника иншоотлари кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари кадастри манфаатдор органларни эҳтимол бўлган аварияларнинг олдини олиш мақсадида гидротехника иншоотлари хавфсизлиги, фойдаланишни тўғри ташкил этиш, уларнинг техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш топогеодезия - қидирувларини, гидрология, геология, гидрогеология, геофизика, натурада кузатишлар ва бошқа махсус тадқиқотлар, шунингдек гидротехника иншоотларини махсус реестрда рўйхатдан ўтказиш билан таъминланади.

Гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш бўйича ишлар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади



Гидротехника иншоотлари давлат кадастрининг мақсади

Мамлакатимизда гидро-техника иншоотлари давлат кадастрини юртишдан асосий кўзланган мақсад, юртимизда фаолият юритаётган гидро-техника иншоотларининг ишчи холати хақидаги тўлақонли маълумотларни олиш, кутилиши мавжуд бўлган хавфли холатларни бартараф этиш, яроқсиз холга келиб қолган ускуналарни таъмирлаш ва янгилаш ишларини олиб бориш учун юритилади.






“ДАВСУВХЎЖАЛИКНАЗОРАТ” ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ГИДРОТЕХНИКА ИНШОУТЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА 2013 ЙИЛ АВГУСТ ОЙИГА ҚАДАР МАЪЛУМОТ ҚУЙИДАГИ:

- I, II, III- КАПИТАЛЛИК КЛАСЛАРИ ГИДРОТЕХНИКА ИНШОУТЛАРИ (ГТИЛАРИ) БЎЙИЧА,**
- III- ҚУЙИ КАПИТАЛЛИК КЛАСЛАРИ ГТИЛАРИ БЎЙИЧА ИНШОУТЛАРНИНГ МАНСУБЛИГИГА ҚАРАБ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА “ЎЗБЕКЭНЕРГО” ДАК ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ҚИЛИНМАГАН.**



ГИДРОТЕХНИКА ИНШОУТЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ

объектларининг ДКЯТ геомаълумотлар базасидаги кўриниши



Гидроузлу на ПК 145 ЮГК

Гидроузлу на ПК 145 ЮГК	
SHAPE	Полигон
Название	Гидроузлу на ПК 145 ЮГК
Кадастровый_номер	08.4.01 (08-область),(4-гидроузель),(0-порядковый номер объекта в области
Водоток_или_местность_где_возведен_гидроузель	Южно- Голодностепский канал (ЮГК)
Географическое_месторасположение_гидроузла	Сырдарьинский вилоят, Баяутский тум
Источники_питания	р. Сырдарья
Класс_сооружений	II
Генеральный_проектировщик	Институт «Средазгипроводхлопок» (Узгипромел
Генеральный_подрядчик	Трест «Джизакстеп-Строй»
Годы_строительства	1961
Годы_реконструкции	1985
Годы_ввода_в_эксплуатацию	1961-1985
Кем_и_когда_принят_в_эксплуатацию_акт_приемки	Минводхоз СССР Главсредазирсовхоз 1961
Эксплуатирующая_организация	Управление эксплуатации ЮГК и кана БВО
Вид_охраны	Силами эксплуатационного персонала
Дороги	5,924 асфальт
Линии_связи	Телефон, рация с БВО «Сырдарья»
Балансовая_стоимость_в_тыс_сум_на_1_января	59,706,920

Давлат мулки бўлган гидротехника иншоотлари, шунингдек корхоналарнинг республика ва минтақалар сув хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи гидротехника иншоотлари Кадастр объекти ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари кадастри иншоотларнинг техник ҳолатини ҳар томон-лама ўрганиш ва баҳолаш, сифат ва миқдор тавсифномаларини ва фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Маълумотларни ишлаб чиқиш, туркумлаш, сақлаш, янгилаш ва объект ҳақида ахборот тақдим этиш технологиясини такомиллаштириш гидротехника иншоотлари кадастрининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларнинг пайдо бўлиш хавфини туғдирувчи гидротехника иншоотларини қамраб олиш, юритиш услубларининг ягоналиги, кадастр ахборотларининг ҳаққонийлиги гидротехника иншоотлари кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади.



Гидротехника иншоотлари кадастрида ҳар бир иншоотга кадастр рақами берган ҳолда иншоотни махсус реестрда рўйхатдан ўтказиш, туркумлаш, сифат ва миқдорга оид тавсифномаларни ҳисобга олиш ҳамда иншоот бўйича маълумотларни тегишли шаклларга киритиш, сақлаш, янгилаш ва ахборотларни фойдаланиш учун бериш назарда тутилади.



Гидротехника иншоотлари кадастрига иншоот бўйича умумий маълумотлар, гидрология, геология, гидрогеология, литология шарт-шароитлари тавсифномаси, иншоотлар таркиби, сув хўжалиги, сув-энергетика, техник-иқтисодий кўрсаткичлар, қидирувлар, натурада кузатишлар, конструктив чизмалар, схемалар, графиклар илова қилинган ҳолда иншоот ҳолатини белгиловчи мавжуд дефектлар киритилади.



Гидротехника иншоотлари кадастрининг мазмуни бўйича шакллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан келишган ҳолда аниқ гидротехника иншоотлари (сув омбори, насос станцияси, гидроузел, канал, коллектор ва бошқалар)нинг турига мувофиқ «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси томонидан тасдиқланади.



Мукаммаллиги I, II, III класс бўлган, давлат мулки бўлган, шунингдек республика ва минтақалар сув хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи гидротехника иншоотлари кадастри «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси томонидан, мукаммаллиги III классдан паст бўлган бошқа гидротехника иншоотлари бўйича — иншоотларнинг мансублигига қараб Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясига томонидан юритилади.

Ер юзидан ишлатиладиган сувнинг 70% қишлоқ хўжалиги хиссасига тўғри келади.

Гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш юкланган органлар гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва хавфсизлиги устидан назорат (мониторинг)ни таъминлайдилар.

Гидротехника иншоотлари кадастр маълумотларини янгилашда иншоотнинг тавсифномасига ва техник ҳолатига таъсир қилувчи реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ва бошқа омиллар натижасида рўй берган ўзгаришлар аниқланади ва рўйхатдан ўтказилади. Иншоотлар эгалари бир ой муддатда гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш юкланган органларга кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар ҳақида ахборот тақдим этишга мажбурдирлар.



- **Гидротехника иншоотларини хавфсизлигини баҳолашнинг мониторинг тизими**

- **Режа**

- 1 .Гидротехника иншоотларини хавфсизлигини баҳолашнинг мониторинг тизими. Олиб бориладиган ишлар таркиби.
- 2.Сув омборларини тулдириш ва бушатиш буйича талаблар.

- **Таянч иборалар:** гидротехника; иншоот; мониторинг; декларация; назорат — ўлчов асбоблари; насос станцияси; дарё; канал; ўзан.

- **Бажариладиган ишларнинг зарурлиги ва таркиби**

- Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини баҳолаш мониторинг тизимининг асосий вазифалари - гидротехника иншоотларни доимий назоратини олиб бориш, сув омборларида ва бошка ишоотларда ўрнатилган Назорат ўлчов асбоблардан бевосита олинган маълумотларга тезкор ишлов бериш ҳдмда ишлаб чиқилган кадастр ҳужжатлари ва бошка диагностика ишларидаги берилган кўрсатмаларни бажарилишини таҳлилини олиб боришдир.

- Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги мониторинги нафақат хавфсизлигини баҳолаш мезонлари тизимита асосланган тезкор назорат этиш самарадор технологиясини назарда тутуди балки иншоотда тўпланган барча маълумотларга тўлик, эга бўлиш тезкорликни кузда тутуди.

- Шу сабабли унинг хавфсиз ҳолати мониторингини ташкиллаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу масалани муҳимлиги шундан иборатки, гидротехника иншоотларидан фойдаланишдаги кузга кўринарли ютуқларга карамай, охириги йилларда гидротехника иншоотларнинг ишдан чиқиш сурати ошиб бориши, хатто авария ҳолатлари кузатилмоқда шунингдек сув омборларида, насос станцияларида, дарё ва сойларда алоҳида хавотирга сабаб бўлмоқда.
- Ҳозирги пайтда мавжуд гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ва ишончлиги даражаси пасайишидан жиддий ташвишдамиз.
- Республикамиздаги гидротехника иншоотлар қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришни 90 фоизни, электроэнергия ишлаб чиқаришни 10 фоизни сув билан таъминлайди, умуман олганда иктисодиёт бошқа сохаларининг турғунлиги, асосий уша туманларда яшовчи 50 фоизни аҳолининг хавфсизлиги ушбу гидротехник иншоотлар ҳолати билан боғлиқдир.
- Гидротехника иншоотлар 40-50 йиллик фойдаланиш натижасида эскириш жараёнлари, лойқаланиш оқибатида уларнинг техник имконияти ва ишончлиги камаяди. Уларнинг шикастланиши ва бузилишидан ижтимоий, иктисодий оқибатлар, моддий зарар жуда катта бўлиши ва табиий офатлар билан тенглашиши мумкин.

ГЛОССАРИЙ

Гидротехника иншоотлари - тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суяқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар);

Фавқулодда вазият - муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талафотларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги - гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси - гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб бериладиган ҳужжат;

Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонлари - гидротехника иншооти ҳолатининг ва ундан фойдаланиш шартларининг гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари;

Гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражаси - гидротехника иншооти аварияси хавфининг норматив ҳужжатлар билан белгиланган қиймати.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбълар рўйхати

1. “Давлат кадастрлари асослари” ўқув қўлланма. И.Ихлосов Тошкент 2015й.
2. www.lex.uz
3. www.google.co.uz
4. www.ensiklopediya.uz



ЭЪЛМБОРИНТИЗ
УЧУН
РАХМАТ!

